



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI**

2021 yil “ 11 ” февраль

146 -son

Toshkent sh.

### **Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун 2021 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5666-сонли Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 20 февраль), Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 15-сон, 186-модда), Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва таърифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 41-сонли, 2015 йил 24 февралдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тавсифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 162-сонли (“Тошкент Оқшоми”, 2015 йил 26 февраль, 50-сон) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 12 январдаги 01/04-19-70-сонли, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 13 январдаги 03/22-02-6/10-1933-сонли, Молия вазирлигининг 2021 йил 13 январдаги OV31845605-сонли келишувини ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 14 январдаги 069-сонли хатини инобатга олиб,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун 2021 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва қўлланадиган коэффициентлар 2-иловага;

Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (И.Кадиров) давлат мулкани ижарага бериш юзасидан давлат мулкани балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан аввал тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 3<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5666-сонли Фармонига асосан давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Белгилансинки, давлат мулкани балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати:

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва [www.toshkent.uz](http://www.toshkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 31 январдаги “Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2020 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида”ги 100-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**



**Ж.Артикходжаев**

**К Е Л И Ш И Л Г А Н :**

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
биринчи ўринбосари



Х.Шакиров

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
маслаҳатчиси



А.Рўзитоев

Тошкент шаҳар Молия бош  
бошқармаси бошлиғи




Л.Исматуллаев

Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт  
ва камбағалликни қисқартириш бош  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари



Г.Исмаилхаджаев

Давлат активларини бошқариш  
агентлиги ҳузуридаги Бўш турган  
объектлардан самарали  
фойдаланишни ташкил этиш маркази  
Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси  
бошлиғи



И.Кадиров

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Юридик бошқармаси бошлиғи



Ш.Каримов

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Юридик бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари



Д.Шамаксудов

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
 2021 йил "14 февраль" даги  
 1496 -сон қарорига  
 1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун  
 2021 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари**

Т/р	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсади	2021 йилда 1 кв.м. майдон учун йиллик энг кам ижара тўлови ставкалари
<b>Ишлаб чиқариш</b>		
1.	Ёқилғи ишлаб чиқариш	11 700
2.	Кимёвий ишлаб чиқариш	11 700
3.	Нефт-кимё саноати	11 700
4.	Машинасозлик	11 700
5.	Машинасозлик ва асбобсозлик саноати	11 700
6.	Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш	11 700
7.	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	9 450
8.	Қурилиш, йўл ва коммунал муҳандислик	9 450
9.	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар саноати	9 450
10.	Санитария ва газ ускуналари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11 700
11.	Метал конструкциялар ва маҳсулотлар саноати (токарлик хизмати)	11 700
12.	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	11 700
13.	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	11 700
<b>Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати</b>		
14.	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	11 700
15.	Ёғочни қайта ишлаш саноати	11 700
16.	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати	11 700
17.	Дераза ва эшиклар, мебель ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан)	37 950
18.	Дераза ва эшиклар, мебель ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан)	11 700
<b>Енгил саноат</b>		
19.	Тўқимачилик саноати	11 700
20.	Тикувчилик саноати	11 700
21.	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати	11 700

22.	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари	11 700
<b>Озиқ-овқат саноати</b>		
23.	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	11 700
24.	Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати	11 700
25.	Балиқ маҳсулотлари саноати	11 700
26.	Тегирмончилик саноати	11 700
27.	Комбикорм (омухта ем) саноати	9 450
28.	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	11 700
<b>Саноатнинг бошқа тармоқлари</b>		
29.	Тиббиёт саноати	11 700
30.	Полиграфия саноати	37 950
31.	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш	28 050
32.	Саноатни хўжалик бошқаруви	37 950
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>		
33.	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 гектар ер майдони учун	7 671 450
34.	Чорвачилик ва паррандачилик	9 450
35.	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гектар учун	7 671 450
36.	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	4 590 000
37.	Ветеринария хизматлари	11 700
38.	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	11 700
39.	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 гектар ер майдони учун	7 671 450
<b>Транспорт ва алоқа</b>		
40.	Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти	30 600
41.	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	30 600
42.	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари)	7 950
43.	Автомобилларни ювиш	45 000
44.	Автомобилларга ёнилғи қуйиш	47 100
45.	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	28 050
46.	Почта алоқаси	25 800
47.	Курьерлик алоқаси	30 600

48.	Электр-симли алоқа	30 600
49.	Радио, уяли алоқа ва пейджер алоқаси (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуд доирасида)	99 150
<b>Курилиш</b>		
50.	Курилиш	23 400
51.	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	23 400
52.	Пластик дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш	50 000
<b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>		
53.	Улгуржи савдо	47 100
54.	Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари	113 250
55.	Чакана савдо	70 650
56.	Умумий овқатланиш	47 100
57.	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	45 000
58.	Китоб дўконлари	4 500
59.	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	47 100
60.	Халқ хўжалиги савдо-харид маҳсулотлари даллоллик хизматлари	70 650
61.	Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш	51 750
62.	Маълумот-ҳисоблаш хизматлари	51 750
63.	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш	51 750
64.	Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар	51 750
65.	Реклама, кўргазмалар хизматлари	47 100
66.	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар	47 100
67.	Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	70 650
68.	Таҳририят ва нашриётлар	26 250
69.	Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латта) маҳсулотларини тўплаш жойлари	26 250
70.	Турар жой-коммунал хўжаликлари	26 250
71.	Меҳмонхона хўжалиги	51 750
72.	Умумий яшаш жойлари	30 000
73.	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	28 500

74.	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси	37 800
75.	Ломбардлар	56 850
76.	Ҳаммомлар	80 550
77.	Сауналар ва бассейнлар	164 400
<b>Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот</b>		
78.	Соғлиқни сақлаш	37 800
79.	Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш	37 800
80.	Фитобар	16 350
81.	Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	51 750
82.	Жисмоний тарбия ва спорт	16 350
83.	Дорихоналар	37 800
84.	Оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари	37 500
85.	Ижтимоий-дорихоналар	26 250
<b>Таълим</b>		
86.	Олий ва ўрта-махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	33 150
87.	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	23 700
88.	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	13 950
89.	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	18 150
90.	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	11 700
91.	Маданият ва санъат	66 000
92.	Кўرғазмалар	31 500
93.	Мактабдан ташқари тарбия	13 950
94.	Маданият ва дам олиш боғлари	33 150
95.	Ботаника боғлари ва зоопарклар	33 150
96.	Телевидениялар ва радиоэшиттиришлар редакциялари	33 150
97.	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	117 750
98.	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	23 400
99.	Автомактаблар	40 500
<b>Молия-кредит фаолияти</b>		
100.	Молия, кредит ва пенсия таъминоти (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари)	47 100



101.	Аудиторлик фаолияти	36 150
102.	Банк фаолияти	70 650
<b>Фаолиятнинг бошқа турлари</b>		
103.	Суғурта ва нотариал хизматлар	47 100
104.	Суд ва юридик хизмат муассасалари	33 150
105.	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	33 150
106.	Жамоатчилик бирлашмалари	11 700
107.	Омборхоналар	47 100
108.	Давлат ташкилотларига офис	23 400
109.	Хусусий ташкилотларга офис	80 100
110.	Архив хизмати	15 000
111.	Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	47 100
112.	Лабораториялар	23 400
113.	Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	117 750
114.	Маданий мерос объектлар бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари	75 450
115.	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари	56 850
116.	Авиа кассалар (шу жумладан темир йўл, автотранспорт ва бошқалар)	75 450
117.	Банкоматлар	707 100
118.	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш	39 250

*Изоҳ:*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги №02/1-74-сон топшириғига асосан ёпиқ харбий шаҳарчалар, харбий қисмлар ва муассасалар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг савдо бошқармаси таркибий бўлинмалари учун кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳаққининг "нол" ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 12.06.2013 йилдаги №02/02-1-74-сон топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг спорт залларидан фойдаланишда Ўзбекистон Баскетбол Федерациясининг ёзма мурожаатига асосан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг нол ставкаси қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2013 йилдаги №02/107-118-сонли топшириғига асосан 2013 йилнинг 15 июлидан бошлаб "Адолат" СДПнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгашлари, шунингдек, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун Партия балансидаги Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, "Шарқ Тонги" кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган давлат мулки объектидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2014 йилдаги 02/107-2670-сон топшириғига асосан 2014 йилнинг 1 августидан бошлаб "Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати" Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан Миробод тумани) Кенгашлари, шунингдек, "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси балансидаги тегишли давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2016 йилдаги 18-Ю-14-7/1694-сонли топшириғига асосан 2016 йилнинг 1 мартдан бошлаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти учун Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган давлат мулки объектидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдори қўлланилиши топширилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 834-сон қарори мувофиқ, давлат мулки, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари тавсияномасига асосан 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида берилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2017 йилдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун давлат мулки, шу жумладан аҳоли кам жойлашган ҳудудлардаги ер майдонлари ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2018 йилдаги 609-20-сонли топшириғига асосан, келгусида Мудофаа вазирлиги томонидан вазирлик тизимидаги ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик, ўзини ўзи таъминлаш ва молиялаштириш тамойиллари асосида амалга оширадиган давлат унитар корхоналарига, шунингдек вазирликнинг бошқа таркибий бўлинмаларига биноларни, иншоотларни, жойларни, асбоб-укуналарни, мебалларни ва бошқа мол-мулкни ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланишга беришда бинолардан, иншоотлардан, жойлардан, асбоб-укуналардан, мебаллардан ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг нол ставка белгиланади.

## Ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва қўлланиладиган коэффицентлар

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = E_c * K_z * (K_k + K_x + K_o),$$

бунда:

$T_c$  - бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

$E_c$  - бир йилга бир кв. метр учун энг кам ставка;

$K_z$  - ҳудудий зона коэффиценти;

$K_k$  - қурилиш тури бўйича коэффицент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ярим ертўла, ертўла);

$K_x$  - туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффиценти;

$K_o$  - тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффиценти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар).

Ижара ҳақи ставкаларига қўлланиладиган коэффицентлар:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва таърифларини тасдиқлаш ҳақида”ги 162-сонли қарорида белгиланган чегараларга асосан, ҳудудий зоналар коэффицентлари ( $K_z$ ):

Зоналар	Қўлланиладиган коэффицентлар
1-зона	4,73
2-зона	3,81
3-зона	2,89
4-зона	1,97
5-зона	1,15

2. Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициентлар (Кк):

Қурилиш тури	Қўлланиладиган коэффициентлар
алоҳида турган бино	1,0
бинонинг қисмида жойлашган ва/ёки тақаб қурилган	0,8
ярим ертўла, ертўла	0,6
чердак, болохона	0,5
реклама воситалари учун бино ва иншоотнинг фасад қисми	0,2

3. Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кх):

	Қўлланиладиган коэффициент
ер майдони мавжуд бўлганда	0,3

4. Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Кт):

Қулайлик	Қўлланиладиган коэффициент
метро станциясидан 200 метр радиус оралиғида жойлашган	0,8
марказий қатнов кўчаларида жойлашган бино-иншоотлар	0,7
иккинчи даражали қатнов кўчаларида жойлашган	0,6

**Тошкент шаҳридаги марказий қатнов кўчалари ва худудлар рўйхати\***

1.	Абдулла Қодирий кўчаси
2.	Абдурауф Фитрат кўчаси
3.	Абай кўчаси
4.	Амир Темур шоҳ кўчаси
5.	Асака кўчаси
6.	Афросиёб кўчаси
7.	Аҳмад Дониш кўчаси
8.	Аэропорт худуди
9.	Беруний кўчаси
10.	Бешёғоч кўчаси
11.	Бешқайрағоч кўчаси
12.	Бобур кўчаси
13.	Боғишамол кўчаси
14.	Бодомзор йўли кўчаси
15.	Бунёдкор шоҳ кўчаси
16.	Бухоро кўчаси
17.	Буюк ипак йўли кўчаси
18.	Буюк Турон кўчаси
19.	Гавҳар кўчаси
20.	Дархон кўчаси
21.	Дўрмон йўли кўчаси
22.	Зарафшон кўчаси
23.	Заргарлик кўчаси
24.	Зарқайнар кўчаси
25.	Зиё кўчаси
26.	Зиёлилар кўчаси
27.	Зулфияхоним кўчаси
28.	Ислон Каримов кўчаси
29.	Истиқбол кўчаси
30.	Истиқлол кучаси
31.	Ифтихор кўчаси

32.	Қатортол кўчаси
33.	Катта Хирмонтепа кўчаси
34.	Кичик халқа йўли кўчаси
35.	Қорасарой кўчаси
36.	Қорасув кўчаси
37.	Қоратош кўчаси
38.	Қумариқ кўчаси
39.	Кўкча Дарвоза кўчаси
40.	Лабзак кўчаси
41.	Локомотив кўчаси
42.	Лутфий кўчаси
43.	Матбуотчилар кўчаси
44.	Махтумқули кўчаси
45.	Мирзо Улуғбек кўчаси
46.	Миробод кўчаси
47.	Муқимий кўчаси
48.	Мустақиллик майдони
49.	Мустақиллик шоҳ кўчаси
50.	Мухаммад Юсуф кўчаси
51.	Мухтор Ашрафий кўчаси
52.	Навоий кўчаси
53.	Назарбек кўчаси
54.	Нукус кўчаси
55.	Нурафшон кўчаси
56.	Ойбек кўчаси
57.	Оққўрғон кўчаси
58.	Оқтепа майдони
59.	Олмазор кўчаси
60.	Осиё кўчаси
61.	Охангарон кўчаси
62.	Паркент кўчаси

63.	Сағбон кўчаси
64.	Самарқанд Дарвоза кўчаси
65.	Себзор кўчаси
66.	Содиқ Азимов кўчаси
67.	Талабалар кўчаси
68.	Тарас Шевченко кўчаси
69.	Темур Малик кўчаси
70.	Туркистон кўчаси
71.	Уста Ширин кўчаси
72.	Фарғона йўли кўчаси
73.	Фаробий кўчаси
74.	Фарҳод кўчаси
75.	Фидокор кўчаси
76.	Фурқат кўчаси
77.	Чилонзор кўчаси
78.	Чоштепа кўчаси
79.	Чўпонота кўчаси
80.	Шароф Рашидов кўчаси

81.	Шастри кўчаси
82.	Шаҳрисабз кўчаси
83.	Шимолий Олмазор кўчаси
84.	Шота Руставели кўчаси
85.	Шўртепа кўчаси
86.	Юнус Ражабий кўчаси
87.	Янги Сергели кўчаси
88.	Янги Юнусобод кўчаси
89.	Янгишаҳар кўчаси
90.	Яҳё Ғуломов кўчаси
91.	Мирзо Турсунзода кўчаси
92.	Янги Сергели кўчаси
93.	Қўрғонтепа кўчаси
94.	Шокир ариқ кўчаси
95.	Қипчоқ кўчаси
96.	Тошкент халқа айланма йўли кўчаси

*\*Изоҳ:* Ко - тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффиценти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганлари).